

**КИМЁ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ВА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ****О.Ў.Ўринова***Фаргона давлат университети*

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич ва муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолияти, унинг касбий нуфузини ошириш билан боғлиқдир.

Шу сабабли улар ўз маҳоратларини узлуксиз ошириб бориши, ҳозирги куннинг юксак талабларига мос замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириши, ижодий меҳнат қила олиши замон талабидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар ўқув-тарбия ишларини бутунлай янги асосда ташкил қилиш, юқори сифат кўрсаткичига эришишни талаб қилади.

Бугунги кунда жамиятимизда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, таълимнинг дунё таълим тизимига интеграциялашуви, демократиялаш ва инсонпарварлаштириш жараёнларининг ривожланиши таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялар(ПТ)га янгича ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда.

Бугунги кунда ислоҳий талаблардан бири таълим жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда таълим олувчиларни ўқитишни жадаллаштириш ҳисобланади.

Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги чуқур ҳис қилиниб , уларни ўқув жараёнига татбиқ қилиш борасида кенг миқёсда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ушбу муаммонинг илмий-назарий асослари яратилмоқда, ҳар бир педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатлари ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнига татбиқ қилиш бўйича етарли даражада тажрибалар тўпланмоқда.

Таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муҳим шартларидан биридир. Демак, ҳозирги аср-информацион технологиялар асри десак муболаға бўлмайди.

Ахборот технологияларини таълим жараёнига сингдиришнинг қуйидаги афзалликлари бор:

-Энг аввало, таълим жараёнида компьютерлар ва ахборот-коммуникация воситаларининг қўлланилиши, талабаларнинг улар билан бемалол ишлай олишлари педагогик жараёндаги энг муҳим камчиликлардан ҳисобланган субъективизмга йўл қўймайди. Масалан, агар талабанинг жавоби ёки бевосита ўзлаштиришини баҳолаш ўқитувчининг талаба шахсига муносабати таъсирида кечган бўлса, машиналар воситасида бериладиган маълумотлар объектив характерга эга бўлади;

- компьютер орқали болага етказилаётган маълумотни зарурат бўлганида, қайта - қайта чақириш ва такрорлаш имконияти ҳам бор. Бу нарса айрим талабаларда, гуруҳ шароитида ишлаганда кузатиладиган ийманиш каби сифатнинг намоён бўлмаслигини таъминлайди;

- ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўзигагина хос бўлган тушунтириш услуби, методик ёндашуви мавжуд. Компютер воситаларидан фойдаланиш педагогик жараёнлар ичидаги самарасиз услубиётларга барҳам беради;

-янги ахборотларни узатиш технологиялари билимларни ўзида ифода этиб, унда схемалар, расмлар, жадваллар, график ва диаграммаларга кенг ўрин берилади. Бу нарса талабаларда образли хотирани анча жонлантириб, уларнинг эслаб қолиш қобилиятини кучайтириши мумкин;

- ахборот воситаларидаги маълумотларни дискларга ёзиб олиш ва улардан қайта-қайта фойдаланиш мумкин. Бу ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайди, иқтисодий жиҳатдан юзлаб тиражларда чоп этилаётган китоблардан арзон бўлади. Энг муҳими, манфаатдор аудитория хоҳлаган маълумотини бир хил сифат ва тизимда олиши мумкин бўлади.

Демак , бугун ўқитиш жараёнининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳамда оқилона ташкил этилиши кўп жиҳатдан ўқитувчи, техника ва технология, таълим иқтисодиёти, ўқитишни компютерлаштириш ва шунга ўхшашлар билан бевосита боғлиқдир.

Адабиётларда "Янги тартиб-қоида", "Янгилик", "Инновация" тушунчаларининг маънавий мазмунини аниқлашнинг турлича талқинлари мавжуд. Кимё ўқитувчилари билан ўтказилган суҳбатлар натижалари, уларнинг аксари қисми ўқув жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича етарли малакаларга эга эмаслигини кўрсатди.

Бунга аввало кимё дарсларида қўллаш учун ўзбек тилида етарли ўқув-услубий қўлланмалар яратилмаганлиги, қолаверса, ўқитувчиларнинг янги педагогик технологияларнинг моҳиятини англаб ета олмаётганлиги сабаб бўлмоқда. Инновация (инглизча - innovation - инновейшн янгилик киритиш, янгилик) ўқув-тарбия жараёнини кечишини ва натижасини яхшилайдиган педагогик системадаги янгилик демақдир. Инновация бу педагогик системани сифат жиҳатидан такомиллаштириш учун биргаликда олинган ғоялар, жараёнлар, воситалар, натижалар демақдир. Педагогик системани такомиллаштиришнинг иккита : интенсив ва экстенсив йўли бор. Педагогик системани интенсив йўл билан ривожлантириш системани ички захиралари ҳисобига, экстенсив йўли кўшимча қувватлар (инвестициялар), - янги восита, жиҳоз, технология, капитал маблағ ва шунга ўхшашлар жалб қилишга асосланган. Кўп миқдордаги умумий ва хусусий инновацион лойиҳаларни таҳлил қилиш асосида педагогик инновацияларга қуйидагилар кириши аниқланган :

1) янги бўлмаган, бироқ доимо долзарб бўлган ҳамда ўз имконияти тугалланмаган ўқув-тарбия жараёнини оптималлашнинг амалий технологияси ва ғояси;

2) инсонпарварлик педагогикаси;

3) янги ғоялар ва ахборот воситалари, оммавий коммуникациялар қўллашга асосланган технологиялар ва бошқалар.

Ҳозирги замон янгилик киритиш жараёнини таҳлил қилиш унинг уч даражаси мавжудлигини кўрсатади .

1. Пастки даражаси. Унга одатдагича бўлмаган ном ва формулалар кўринишидаги ўзгаришлар (амалга оширилаётган жами инновацияларнинг 80% ини ташкил қилувчи инновациялар) киради.

2. Ўрта даражаси. Мохиятга тегмасдан шаклни ўзгартириш амалга оширилаётган (жами инновацияларнинг 17%ини ташкил қиладиган) инновациялар киради.

3. Юқори даражаси. Системани ёки унинг бош компонентларини бутунлай ўзгартириш амалга оширилаётган(жами инновацияларнинг атига 3% ини ташкил қилувчи) инновациялар киради.

Юқоридан кўришиб турибдики, фақатгина сўнги даражагина илмий ва амалий аҳамиятга эга. Мамлакатимизда педагогик системани интенсив йўл билан ривожлантириш билан бир қаторда экстенсив йўлига катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда ўқитиш мақсадидан келиб чиқиб, Ўрта ва Олий кимё таълимининг мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилди, уни амалга ошириш методлари ҳамда воситаларини таклиф этиш, ахборот технологиялари асосида ўқувчи ва талабаларнинг билиш фаолиятларини ташкил этиш, шунингдек бошқариш каби ўқитиш назарияси ва методикасининг долзарб масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, натижалари босқичма-босқич таълим тизимига жорий қилинмоқда.